Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 август, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 155 (1157)

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

# МУЗАФФАР ҲИЛПИРАЙВЕР ЮРТИМ ЯЛОВИ, СЎНМАГАЙ ИСТИҚЛОЛНИНГ ҚУТЛУҒ ОЛОВИ!

*• Мустақиллик куни шарафига*

## ҲАРАКАТ УЧУН ЙЎЛ ОЧИҚ

***Мустақилликнинг тўрт йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган республика пойтахти ҳаётида унутилмас воқеа юз берди: бинокорлар байрамигача қуриб битказиш мажбуриятини олган иншоотлардан бири — Бешёғочдаги Бўржар канали кўприги фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан 11 август куни тантанали митинг бўлди. Унда қурувчилар, лойиҳачилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.***





***СУРАТЛАРДА:** кўприкни очиш маросимидан лавҳалар.*

**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) тасвирга олган.**

Митингни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди.

Митингда сўзга чиққан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмаси кўприксозлари, кўприкни қуриш ва уни безашда иштирок этган барча ташкилотларнинг ишчилари, муҳандислари ва техникларига миннатдорлик билдирди ҳамда уларни 13 август куни нишонланадиган қурувчилар куни билан табриклади. Республика раҳбарияти, шахсан Президент Ислом Каримов пойтахтимизни қайта қуриш ва обод қилишга катта эътибор бераётгани, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ишлар, янги дам олиш зоналарини барпо этиш, бозорларни қайта қуриш, янги электр транспорти йўлларини очиш, Ўзбекистон мустақиллиги байрами кунигача ишга тушириш мўлжалланган бошқа ўнлаб иншоотларнинг барпо этилаётгани бу эътиборнинг натижаси экани таъкидлаб ўтилди.

Етти минг тонна темирбетондан иборат янги кўприк ҳозирги барча талабларга жавоб беради. У жуда қисқа муддатда — 18 ой ўрнига атиги ярим йил ичида қуриб битказилди. Бундан ташқари 600 метр автомобиль йўли қайта қурилди, троллейбус сими тортилди, чироқлар ўрнатилди.

Тошкентнинг Яккасарой ва Чилонзор туманларини туташтирадиган кўприкнинг қуриб битказилиши республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ободонлаштириш дастурининг босқичларидан биридир, деб таъкидланди митингда. Бу ишларнинг ҳаммаси Ўзбекистон аҳолисининг меҳнат қилиши ва дам олиши учун энг яхши шарт-шароитни яратиш мақсадида қилинмоқда. Қурилиш ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси, уларни ободонлаштириш тўғрисидаги ғамхўрлиги учун республика Президенти ва ҳукуматига самимий миннатдорлик сўзларини айтдилар.

...Яна карнай садолари янграйди. И. Жўрабеков тўпланганларнинг қарсаклари остида тасмани қирқади — кўприк ҳаракат учун очиқ!

Тантанали митингда Бош вазир ўринбосарлари Ў. Исмоилов, Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, бошқа расмий кишилар иштирок этди.

**(ЎзА).**

*• Ўзбекистон Олий Мажлиси учинчи сессияси олдидан*

## ЎЗГА МАЪНО КАСБ ЭТАДИ

***Республика Олий Мажлиси учинчи сессиясининг мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги байрами арафасида ўтиши ўзгача рамзий маъно касб этади.***

Мамлакатимиз ҳаёти, унинг тараққиёти йўлида зарур бўлган муҳим қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади. Уларнинг амалда жорий этилиши эса, биринчи навбатда, Олий Мажлис депутатларининг фаоллигига, жойлардаги бошқарув тизимида фаолият кўрсатаётган мутасаддиларнинг жонбозлигига боғлиқ. Республикамизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид Президент фармонлари эълон қилинган, ҳукумат қарорлари чиқарилган эди. Сессия муҳокамасига киритилган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳаётимизда катта аҳамият касб этади. Негаки, ушбу Қонун кучга кириши билан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар очилиши табиий. Зеро, кичик ва ўрта тадбиркорликни йўлга қўймасдан туриб, йирик ишларга қўл уриб бўлмайди. Кичик тадбиркорлик катта ишларга йўл очади.

Шунингдек, сессия кун тартибига қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси лойиҳаси тўғрисида», «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари ва бошқа масалалар ҳам мамлакатимизда қонунчиликни такомиллаштириш, бошқарув тизими фаолиятини янада яхшилашга хизмат қиладиган, республика аҳолиси ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқарадиган ҳужжатлар бўлиб қолишига ишончим комил.

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, Олий Мажлис сессияларида депутатлар томонидан маъқулланаётган ҳужжатларнинг аҳамияти уларнинг жойларда қай тарзда амалга оширилиши, амал қилиниши билан баҳоланади. Тўғрисини айтиш лозим, айрим қонунлар жойларда тўлиғича ўз аксини топаётгани йўқ. Қонун ҳаётга тадбиқ этилиши билан аҳамиятли. Бунинг учун Олий Мажлис депутатлари саъй-ҳаракат кўрсатишлари лозим. Ана шундагина ҳуқуқий давлатимиз асослари мустаҳкамланиб бораверади.

**Шодиёр ХЎЖАНАЗАРОВ,**
**Қашқадарё вилоят ўрмон хўжалиги бирлашмасининг бошлиғи.**

*• 13 август — Қурувчилар куни*

## БУНЁДКОРЛАР БАЙРАМИ

***Анъанага кўра август ойининг иккинчи якшанбасида қурувчилар ўзининг касб байрамини нишонлайди. 11 август куни пойтахтдаги муҳташам «Туркистон» саройида қурувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унга қурувчилар, лойиҳачилар, инженер-техник ходимлар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.***

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди.

Республика Президентининг Фармонига биноан бир гуруҳ бунёдкорлар фидокорона меҳнати учун мамлакатимизнинг юксак унвонларига сазовор бўлган эди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ана шу мукофотларни топширди.

Йиғилишда қурувчилар касб байрамининг ватанимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида нишонланаётгани янада қувонарли экани таъкидланди. Ўзбекистон ҳукумати республика иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланган капитал қурилишни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш саноатида 24 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101 фоиз ўсишга эришилди демакдир. Бу даврда пойтахтимизни янада обод ва гўзал шаҳарга айлантириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди. Навоий вилоятидаги «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси, 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати, Тошкент туманидаги қоғоз фабрикаси, Андижондаги спирт заводи, ўндан зиёд нефт ҳамда газ қудуқлари сингари йирик халқ хўжалиги объектларининг ишга туширилгани, Асака автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш, Кувасойдаги шиша, Қўнғирот сода заводлари, Қизилқум фосфорит комбинати сингари иншоотларнинг қурилиши юқори суръатларда давом эттирилаётгани фахр билан тилга олинди. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, газлаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ярим йил мобайнида 1700 километр газ, 731 километр сув узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди. Шуни таъкидлаш жоизки, ишларнинг қисқа муддат ва юқори сифатлар билан амалга оширилиши мамлакатимиз қурилишларига хос хусусият бўлиб қолди. Сўзга чиққанлар ана шулар хусусида гапирдилар.

Тантанали йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Р. Юнусов иштирок этди.

Йиғилиш сўнггида республика санъаткорлари ижросида катта концерт намойиш этилди.

**(ЎзА).**

*• «Халқ сўзи»нинг байрамолди анкетаси*

## ИШЛАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

***1. Сиз ва жамоангиз истиқлол байрамини қандай кутиб оляпсиз?***

***2. Мустақилликнинг тўрт йили мобайнида рўй берган қайси ўзгаришларни таъкидлашни истардингиз?***

***3. Истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, ислоҳотларни муваффақиятли якунлаш учун бундан буён нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?***

**Набижон АЗИМОВ,**
**Фарғона шаҳридаги «Малҳам» хусусий дорихонаси бошқарувчиси:**

1. Жамоамизда қутлуғ байрамларни меҳнатдаги муваффақиятлар, хуш кайфият билан кутиб олиш яхши анъанага айланиб қолган. Дорихонамиз шаҳарнинг бош бекатида жойлашган. Байрамларнинг маркази ҳам айнан бизнинг кўча бўлади. Шунинг учун ҳам унинг олд кўринишини аср бошидаги қиёфада тиклашга ҳаракат қиляпмиз. Энди биз шу мақсадда олинган соф фойданинг маълум бир қисмини харж қилиш имкониятига эгамиз.

2. Дорихонамиз ҳузурида халқ табобати бўлими ишлаб турибди. Эл-юрт орасида обрў ва ҳурмат топган Қодиржон Ҳабибуллаевнинг мижозлари кундан-кунга кўпайиб боряпти.

Айримлар, дорихоналар хусусийлаштирилса малакали мутахассисларнинг кўпчилиги кетиб қолади, деб каромат қилишган эди. 34 кишилик жамоамизда ўнга яқин миллат вакиллари меҳнат қилишади. Уларнинг бирортаси ҳам дорихонанинг хусусийлаштирилганидан норози эмас. Аксинча, дорихона жамоа мулкига айлантирилган даврда қўшган улушларини хусусийлаштирилгандан сўнг дарҳол қайтариб олдилар.

3. Тадбиркорлар, ишбилармонлар учун жуда яхши шароитлар яратилаяпти. Лекин айрим тўралар, айниқса марказдаги бюрократлар сунъий равишда кўп ишларни орқага суришга, чалкаштиришга ҳаракат қилишаётганлиги кишини ажаблантиради. Дорихонамизнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Фарғона бўлимида ўз ҳисоб рақами бор. Мен юқорида айтганимдек, чет эллардаги соҳадош корхоналар билан алоқа қилиб турибмиз. Лекин ўзбек сўмини конвертация қилиш учун ҳалигача имконият яратиб берилгани йўқ. Бунга ўндан ортиқ вазирликлар, идораларда руҳсатнома олиш керак бўлар экан. Энди шу жараённи ҳам соддалаштириш вақти етди, деб ўйлайман.

Мен бу гапни беҳудага айтаётганим йўқ. Биз хориждан дори-дармонларни олиб келаяпмиз. Лекин уларни божхона кўригидан, ҳисобидан ўтказмай туриб, харидорга етказиб бера олмаймиз. Бунинг учун эса махсус рўйхатдан ўтиш керак. Мана, ярим йилдирки, рўйхатдан ўтишга ҳаракат қилиб, ишимизда олдинга силжиш бўлмаяпти.

Агар шу каби сунъий тўсиқларга барҳам берилса, тадбиркорларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилиб меҳнат қилишлари, юртимизнинг буюк келажаги учун бор иқтидорларини сафарбар қилишлари, шубҳасиз.

**Суҳбатдош:**
**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

### ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сузи" ва УзА мухбирлари хабар қиладилар

## САМАРҚАНДЛИК ОЛИМА — «1995 ЙИЛ КИШИСИ»

***Самарқандлик олима Роҳат Носироваға Шимолий Каролина география институти (АҚШ) ана шундай фахрий ном берди!***

Шаҳардаги паразиталогия илмий-текшириш институтида ишлайдиган бу иқтидорли олима дунёдаги кўплаб мамлакатлар аҳолисига таҳдид солаётган лейшманиоз касаллигини қўзғатувчи микробларга қарши «курашадиган» дори ишлаб чиқди ва жаҳон тиббиётига катта улуш қўшди.

## БАҒРИГА 4 ТА АВТОБУС СИҒАДИГАН САМОЛЁТ

***Тошкентда ўзбек авиасозлари томонидан тайёрланган «ИЛ» самолёти илк синовдан ўтди.***

Истиқлолнинг тўрт йиллигига туҳфа сифатида ишлаб чиқарилган ушбу юк ҳаво лайнери «бағри»га бемолол тўртта катта автобус сиғади. Унинг двигатели ниҳоятда бақувват бўлишига қарамай, унга кўп ёнилғи талаб қилинмайди. Янги самолёт яқинда Москвада бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмада намойиш этилади.

## «ХОСЭ» БИЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА

***Тошкент Шарқшунослик институти Токиодаги «Хосэ» университети билан шартнома тузди. Шу йил кузда тошкентлик талабалар Япония пойтахтида уч ҳафталик семинарда иштирок этишади.***

Шарқшунослик институти Япония бўйича мутахассис тайёрлайдиган (Марказий Осиёда) яккаю-ягона илм даргоҳидир. Шу йил 1 сентябрда бу ерга Япониядан яна қатор ўқитувчилар ишга келишади.

## ЎЗБЕК «ГЕРБАЛАЙФ»И

***«Гербалайф» деган дорини кўп эшитгансиз. У одам организмидаги туз, турли заҳарли моддаларни «ҳайдайди». Яхши дори, лекин нархи осмонда.***

Яқинда тошкентлик доришунослар худди ана шундай препарат ишлаб чиқишди. У хорижий «гербалайф» дан-да самарали, энг асосийси эса — арзон.

## ЛАНГАР ЧИННИСИ

***«Навоийцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасида навбатдаги янгилик йўлга қўйилди.***

Лангар конидан топилган каолин ашёсидан эндиликда корхона 12-13 турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқаради. Энг муҳими бу иш Лангар қўрғонининг ўзидаги заводда амалга оширилади. Завод илгари фақатгина хомашё етказиб беришга ихтисослашган бўлса, иккинчи тармоқ ишга туширилгач, чинни буюмлар ҳам шу ерда тайёрланади.

## АЛПОМИШЛАР КЕЗАР ТУРОННИ...

***Қирғиз халқининг машҳур эпоси — «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишланган халқаро чавандозлар супер марафонига 31 июль куни Ашгабатдан старт берилганди.***

Пойга қатнашчилари Бухоронинг Олот туманига келишганида олти босқичлик марафонга якун ясалди. Умумий ҳисобларга кўра қирғизистонлик Эрлан Боқибоев пешқадамлик қилмоқда. Иккинги ўринда эса япониялик Токохито Ишибоши бораяпти. Чавандозлар Бухорода тарихий обидаларни зиёрат қилишди.

Олдинда Қашқадарё...

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

